



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2023 йил 03 февраль

Оқолтин тумани

4-1204-2301/00-сонли иш

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Хусановнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар “333” унитар корхонаси манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар “ТТТ” фермер хўжалигидан 93 986 300 сўм асосий қарз, 46 993 150 сўм пеня ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни даъвогар ишончли вакили ФФФ (27.01.2023 йилдаги № 01-09-сонли ишончнома асосида) иштирокида Оқолтин туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

“333” унитар корхонаси (кейинги ўринларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “палата” деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “ТТТ” фермер хўжалиги (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади)дан 93 986 300 сўм асосий қарз, 46 993 150 сўм пеня ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундиришни сўраган.

Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган палата ва жавобгар вакиллари суд мажлисига келмади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127, 128, 170-моддасига мувофиқ ишни унда мавжуд ҳужжатлар асосида палата ва жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида даъвогар вакили жавобгар томонидан шартномавий мажбурият лозим даражада бажарилмасдан қарздорлик вужудга келганлигини маълум қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра

фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

ФКнинг 234-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 465-моддасининг биринчи қисмига биноан, контрактация шартномасига мувофиқ кишлок хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи кишлок хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, “333” унитар корхонаси ва “ТТТ” фермер хўжалиги ўртасида 2020 йил 20 апрелда № 199-сонли пахта хом-ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш тўғрисида контрактация шартномаси тузилиб, унга кўра, жавобгар (етказиб берувчи) даъвогар (харидор)га 2020 йил пахта ҳосилидан 174,2 тонна пахта хом-ашёсини мазкур шартномада шартлашилган муддатда топшириш, даъвогар (харидор) эса бу маҳсулотларни қабул қилиш ва улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартнома тарафлар томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган ҳамда шартнома Сирдарё вилояти Оқолтин тумани кишлок хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилган.

Шартнома шартларига кўра, даъвогар томонидан жавобгарга 2020 йилда пахта хом-ашёсини етиштириш учун жами 450 663 125 сўм миқдоридан пул маблағлари ва маҳсулотлар берилган.

Бирок, жавобгар шартномавий мажбуриятларини лозим даражада бажармасдан, амалда 63,2 тонна пахта хом-ашёсини топшириб, даъвогарга шартномада белгиланган миқдордаги маҳсулотни етказиб бермаган.

Даъвогарнинг қопланмаган қарзни узиш тўғрисидаги 2022 йил 05 сентябрдаги 582-сонли талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада жавобгарнинг берилган пул маблағлари, минерал ўғит ва бошқа маҳсулотлар ҳисобидан даъвогар олдида 93 986 300 сўм қарздорлиги вужудга келганлиги юзасидан палата даъвогар манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогарнинг жавобгардан даъво талаби бўйича ундириш сўралган 93 986 300 сўм асосий қарздан - 66 966 316 сўм 30 тийин асосий қарзи ишга тақдим этилган шартнома, жавобгар томонидан тасдиқланган электрон ҳисоб-варақ фактуралар, жавобгарнинг АТ “Агробанки” Оқолтин филиалидаги банк айланмаси, бир тарафлама тасдиқланган таққослаш далолатномаси билан ўз исботини топади.

Даъвогарнинг бир тарафлама тақдим этилган таққослаш далолатномасида жавобгарга зиммасига ҳисобланган 9 % лик жами 27 019 983

сўм 70 тийин кўшимча харажатларни ундириш қисми бўйича даъвогар томонидан бирор – бир макбул асосли далил тақдим этилмади.

Даъвогар томонидан даъвонинг мазкур қисмини асослаш сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) “Товар-моддий захиралар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги 2020 йил 28 майдаги 24-сонли буйруғини келтирган бўлса-да, суд ушбу асос билан 9 % лик кўшимча харажатларини ундириш қисми билан келишмайди.

Чунки, тарафлар ўртасидаги шартнома - мазкур буйруқ чиқмасдан олдин тузилиб, имзоланган.

Бундан ташқари тарафлар ўртасида тузилган шартномада мазкур 9 % лик кўшимча харажатлар жавобгар зиммасига юкланишига келишилмаган.

Мазкур ҳолатда суд, даъво талабининг 66 966 316 сўм 30 тийин асосий қарз ундириш қисмини қисман қаноатлантиришни, даъвонинг қолган 27 019 983 сўм 70 тийин асосий қарз ундириш қисмини қаноатлантириш учун асослар етарли эмаслиги боисдан мазкур қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топади.

Шунингдек, даъвогар жавобгардан 46 993 150 сўм пеня ундиришни сўраган.

ФКнинг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади.

ФКнинг 261-моддасига кўра, неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади. Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъий назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги № 670-сонли қонунининг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик,

ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Бироқ, тарафлар ўртасидаги шартноманинг 6.1-бандида “Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч ҳолат (форс-мажор)лари (зилзила, курғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) сабабли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар бўлмайди”, деб келишилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига кўра, башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган шахс фақат форс-мажор ҳолати туфайли мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажаришнинг имкони бўлмаганлигини исботласа, мажбуриятини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади. Бироқ, жавобгарнинг асосий қарз мажбурияти бекор бўлишини аниқламайди.

2020 йил 1 майда “Сардоба сув омбори”да юз берган техноген офат фавқулодда ҳолат бўлиб, табиий офат натижасида юз берган сув тошқини оқибатида жавобгарнинг экин майдонини сув ювиб кетиши натижасида жавобгар шартнома бўйича зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажараолмаган.

Ушбу ҳолатни ишга тақдим этилган бир тарафлама тасдиқланган таққослаш далолатномасида Сирдарё вилояти Молия бошқармаси томонидан жавобгарнинг сув тошқини натижасида зарар кўрганлиги сабабли 2020 йил 30 декабрь куни 51 150 000 сўм пул маблағини ўтказиб берилганлиги ҳолати, Оқолтин туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалари бўйича ўринбосари томонидан 2020 йил 18 май куни тасдиқланган “Сардоба сув омбори”да юз берган техноген офат натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказилган зарарнинг дастлабки ҳисоб-китоби тўғрисидаги жадвал ва бошқа ҳужжатлар жавобгарнинг сув тошқини натижасида зарар кўрганлиги ҳолатини тасдиқлайди.

Суд мазкур ҳолатда “Сардоба сув омбори”да юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатида жавобгарнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажара олмаслигига сабаб бўлган деб ҳисоблаб, шартнома шартларидан келиб чиқиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги № 163-сонли қарорининг 12-бандига кўра, ФКнинг 333-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни

бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилиши ҳақида берилган тушунтиришига таяниб, даъво талабидаги пеня ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, даъвонинг қаноатлантирилган 66 966 316 сўм 30 тийин асосий қарз қисмига мутаносиб равишда 2 % миқдорида – 1 339 326 сўм 33 тийин давлат божини жавобгар зиммасига юклашни, даъвонинг рад этилган 27 019 983 сўм 70 тийин асосий қарз ва 46 993 150 сўм пеня ундириш қисми бўйича – 1 480 262 сўм 67 тийин давлат божини даъвогар зиммасига юклашни ва олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажатини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 118, 170, 176-180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъвогар “333” унитар корхонаси манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилояти худудий бошқармасининг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ТТТ” фермер хўжалиги ҳисобидан даъвогар “333” унитар корхонаси фойдасига 66 966 316 сўм 30 тийин асосий қарз ҳамда олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар “ТТТ” фермер хўжалиги ҳисобидан Республика бюджетига 1 339 326 сўм 33 тийин давлат божи ундирилсин.

Даъвогар “333” унитар корхонаси ҳисобидан Республика бюджетига 1 480 262 сўм 67 тийин давлат божи ундирилсин.

Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиш келтириши мумкин.

Судья

Н.Сангиров